



04.03.2016 № 87-03-570

ОТМлар ректорларига

Вазирликнинг 2016 йил 23 январдаги “Вазирлик тизимидаги олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида 2016 йилда ўтказиладиган илмий анжуманлар режасини тасдиқлаш тўғрисида”ги 27-сонли буйруғига асосан Бухоро давлат университетида:

1. **2016 йилнинг 4-5 апрель кунлари** “*XIX аср охири-XX аср бошларида Бухоро*” мавзусида;
2. **2016 йилнинг 21 апрель куни** “*Истиқлол ва Фитрат ижоди*” мавзусида;
3. **2016 йилнинг 22 апрель куни** “*Таълим жараёнида саломатликни муҳофаза қилувчи муҳитни яратишнинг педагогик хусусиятлари*” мавзусида;
4. **2016 йилнинг 6-7 май кунлари** “*Мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ҳаракат фаоллигини оптималлаштириш: муаммолар, ечимлар, истиқболлар*” мавзусида вазирлик миқёсидаги илмий-амалий анжуманлар ўтказилишини маълум қиламиз.

Шу муносабат билан мазкур анжуманлар тўғрисидаги маълумотларни Сиз раҳбарлик қилаётган олий таълим муассасасидаги профессор-ўқитувчи ва мутахассислар эътиборига етказишингиз сўралади.

Иловада: Анжуманларнинг ахборот хатлари – 6 бетда.

Вазир ўринбосари



Б.Усмонов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
“XIX АСР ОХИРИ-XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО” мавзуидаги республика
илмий-назарий анжумани
хабарномаси

Бухоро давлат университетида ёшларни маънавий жиҳатдан баркамол инсон сифатида шакллантириш, Бухоро тарихининг илмий жамоатчилиikka ҳамон маълум бўлмаган ва тўла ўрганилмаган саҳифаларини ўрганиш борасидаги масалаларни таҳлил этиш ҳамда ЎзР ВМнинг 2016 йил 20 январдаги 33-Ф-сон фармойиши ва ЎзР ОЎМТВнинг 2016 йил 23 январдаги 27-сон буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида 2016 йил 4-5 апрель кунлари “XIX АСР ОХИРИ-XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО” мавзуидаги республика илмий-назарий анжумани ўтказилишини маълум қилади.

Анжуманда қуйидаги йўналишлар бўйича шўъбалар фаолият кўрсатиши режалаштирилган:

1. Бухоро амирлигида XIX аср охири-XX аср бошларида иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг муаммолари
2. Бухорода тараққийпарварлик ҳаракати, маданий ва маърифий ислохотчилик
3. Бухорода этносоциал жараёнлар, шаҳарсозлик маданияти ва миллий матбуотчилик
4. Ўзбек миллий давлатчилигида БХСР ҳукуматининг тарихий ўрни

Анжуманга иштирок этишни хоҳловчилар қуйидаги тартибда ўз мақолаларини яқка ҳолда ёки ҳаммуаллифликда тақдим этишлари мумкин. Маъруза материаллари Times New Roman 14 шрифти, 1,5 интервалда расмийлаштирилади. Қоғоз ўлчови А 4 (210-297 мм).

Мавзунинг номи катта ҳарфлар билан қорайтирилиб, қоғознинг ўртасига автоматик тарзда келтирилиб ёзилади, кейинги қаторга маърузачининг исми фамилияси, учинчи қаторда иш жойи ёзилади. Тезис ҳажми 3 саҳифадан ошмаган ҳолда, 1 нусха қоғозда ва электрон вариантда топширилиши лозим.

Маъруза тезислари 2015 йил 18 мартга қадар қабул қилинади.

Эслатма: (Ташкилий масалалар ҳамда тўпламни нашрга тайёрлаш ва чоп этиш учун 25 000 сўм миқдорида бадал тўланиши лозим)

Манзилимиз: Бухоро шаҳри, БухДУ Тарих кафедраси. Масъул: Раҳмонов К.Ж.,
Ходжаева Х.Б. телефон: +99 890 637-48-36. электрон почта:
kamol.rakhmonov@umail.uz

Изоҳ: Тарихий давр ва анжуман мавзуси бўлимларига тегишли бўлмаган тезислар таҳрир қилинмайди, тўпламга чоп этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

«Истиқлол ва Фитрат ижоди» мавзусидаги республика миқёсидаги илмий –
амалий анжумани

ХАБАРНОМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида 2016 йилда республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий техник анжуманлар режасига асосан 2016 йил 21 апрель кунлари Бухоро давлат университетида **«Истиқлол ва Фитрат ижоди»** мавзусида вазирлик миқёсида илмий-амалий анжумани ўтказилади.

Анжуманнинг асосий йўналишлари:

Анжуман мавзуси: **«Истиқлол ва Фитрат ижоди»**

Анжуманнинг илмий йўналиши

- а) Фитрат асарлари поэтикаси
- б) Фитрат ҳаёти ва ижодини ўқитиш масалалари
- в) Таржима ва таржимашунослик муаммолари, унинг тараққиёти
- г) Фитрат адабиётшунос ва мунаққид
- д) Фитрат ва тилшуносликнинг долзарб муаммолари
- ж) Фитрат ва тарих

Анжуман материаллари тўплам ҳолида нашр этилади. Тўпламга бериладиган мақолалар учун талаблар:

– мақолалар конференция йўналишларига оид долзарб мавзуларда, илмий таҳлил ва тугалланган фикрлар асосида, илмий таклиф ва тавсиялар билан тақдим этилиши лозим;

– конференцияда қатнашиш учун буюртма расмийлаштирилиши зарур;

– конференция материаллари ўзбек, рус ва инглиз тилларидан бирида тақдим этилиши мумкин;

– мақола матнлари таҳрир қилинган ҳолда тезиснинг номи, 1,5 интервалдан сўнг муаллифнинг исми шарифи, илмий даражаси ва унвони, лавозими, муассасанинг номи тўлиқ кўрсатилади. Сўнгра, матннинг мазмуни бошланади. Мақола матни Times New Roman шрифтида, 12 кегел катталигида 1,5 интервалда, лотин ёки кирилл алифбосида, 3-5 бетдан ошмаган ҳажмда бўлиши лозим. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати матн охирида берилади. Мақола А4 ўлчовдаги қоғозга юқоридан ва пастдан 2,5 см, чапдан 3 см, ўнгдан 1 см жой қолдирилган ҳолда расмийлаштирилади. 1 нусха қоғоз вариантда ва электрон шаклда қабул қилинади. Мақоланинг ҳар бир саҳифаси учун олдиндан тўлов 10 минг сўмдан нақд ёки пул кўчириш йўли билан тўланади.

Конференция тили: ўзбек.

Конференцияда қатнашиш учун тезислар 2016 йил 31 мартгача қабул қилинади.

Махсус экспертлар томонидан конференция талабига мос келмаган мақолалар дастурга ва материаллар тўпламига киритилмайди. Юборилган мақолалар муаллифларга қайтарилмайди.

Ташкилий қўмита манзили: Бухоро давлат университети

Телефон: (93) 969-05-20, (91) 414-18-08, (93) 471-75-50.

Email: shoira@umail.uz , mexriniso-6590@mail.ru

Университетнинг ҳисоб рақами: 23402000000100001009

МФО 00014

ИНН 201122919

АНКЕТА

1. **Фамилия:**
2. **Исм:**
3. **Отасининг исми:**
4. **Туғилган йили:**
5. **Ташкилот, лавозим:**
6. **Иш жойи адреси:.**
7. **Телефон:**
8. **(E- mail)**
9. **Йўналиши:**
10. **Иш мавзуси:**
11. **Иштирок тури: очный**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АНЖУМАН ХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 20 январдаги 33-Ф-сонли Фармойиши билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида 2015 йилда халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник анжуманлар режаси тўғрисида”ги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 23 январдаги “Вазирлик тизимидаги олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида 2016 йилда ўтказиладиган илмий анжуманлар режасини тасдиқлаш тўғрисида”ги 27-сонли буйруғида белгиланган тадбирларни амалга ошириш мақсадида **2016 йилнинг 29-30 апрел кунлари** Бухоро давлат университетида **“Таълим жараёнида саломатликни муҳофаза қилувчи муҳитни яратишнинг педагогик хусусиятлари”** мавзусидаги вазирлик миқёсида илмий-амалий анжуман ўтказилади.

Конференциянинг асосий йўналишлари:

1. Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг педагогик-психологик шарт-шароитлари.

2. Таълим жараёнида саломатликни муҳофаза қилишнинг назарий-методологик асослари.

3. Маънавий етук, жисмоний баркамол ёшлар таълим-тарбиясининг замонавий йўналишлари.

4. Саломатликни муҳофаза қилиш муҳитини яратишнинг амалий хусусиятлари.

Конференциянинг асосий мақсади – педагогика ва психологиянинг долзарб муаммолари, таълим жараёнида саломатликни муҳофаза қилувчи муҳитни яратишнинг педагогик хусусиятлари, ижтимоий-валеологик иш амалиёти йўналишида фан-маданият соҳасидаги етакчи олимлар, илмий ходимлар, тадқиқотчиларнинг илғор тажрибалари муҳокама қилинади. Мавзу мақсади ва моҳиятидан келиб чиқадиган устувор вазифалар ечимини топиш мақсадида республика таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлар, тадқиқотчилар, магистрлар ва талабалар ўртасида илмий-ижодий алоқалар мустаҳкамланади.

Конференциянинг расмий тили: ўзбек ва рус.

МАТЕРИАЛЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАЛАБЛАРИ

Материаллар қоғоз ва электрон шаклда тақдим этилади. Қоғоз формати А4 (210х297 мм). Қоғознинг тепа, паст ва ўнг томонидан – 2 см, чапдан – 3 см; қатор оралиғи 1,5; хат боши 1,25; ўлчами (кегль) – 14; типи – Times New Roman. Сарлавҳа бош ҳарфлар билан қалин қилиб ёзилади ва қоғоз ўртасига тўғриланади. Иккинчи қаторда муаллиф(лар)нинг исми-ширифи ўртадан ёзилади. Учинчи қаторда муассаса номи, шаҳар, вилоят номи тўлиқ берилади. Мақола(тезис) ҳажми 3-5 бет бўлиши мумкин.

Материаллар MicrosoftWord матн муҳарририда тайёрланиши керак. Мақола(тезис)лар **2016 йил 1-апрелгача** қабул қилинади.

Ташкилий қўмита конференция мавзуси ва шўъба мавзуларига мос бўлмаган, талаб даражасида расмийлаштирилмаган мақола(тезис)ларни қабул қилмайди ва қайтариб юбормайди. Конференцияга иштирок этиш билан боғлиқ бўлган барча харажатларни муаллифларнинг ўзи ёки юбораётган ташкилот зиммасига олади. Мақоланинг ҳар бир бети учун бадал пули – 10 000 сўм.

Конференция билан боғлиқ барча масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Манзил: Бухоро шаҳри, Муҳаммад Иқбол кўчаси, 11.

Телефон рақамлари: +99893 687-11-00

E-mail : bobomurod.jorayev@mail.ru, murod44@umail.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АХБОРОТ ХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 23 январдаги 27-сонли буйруғига асосан 2016 йилнинг 6-7 май кунлари Бухоро давлат университетида **“Мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ҳаракат фаоллигини оптималлаштириш: муаммолар, ечимлар ва истикболлар”** мавзусида вазирлик миқёсидаги илмий-амалий анжуман ўтказилади. Анжуманда иштирок этиш учун юқоридаги муаммога қизиққан, олий таълим тизимида илмий-амалий тадқиқотлар олиб бораётган барча профессор-ўқитувчилар, талабалар, магистрлар, мураббийлар, катта илмий ходим-изланувчилар, мустақил изланувчилар, тегишли соҳалар олим ва мутахассислари таклиф этилади.

МУҲОКАМА ҚИЛИНАДИГАН МАВЗУЛАР ЙЎНАЛИШЛАРИ

1. Мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ҳаракат фаоллигини оптималлаштириш муаммолари ва ечимлари.
 2. Мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари жисмоний тарбиясида инновацион педагогик технологияларни қўллаш истикболлари.
 3. Мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежларида жисмоний тарбия ва спорт машғулотларини режалаштириш муаммолари.
 4. Соғлом она ва бола тарбиясида инновацион ёндашувлар.
 5. Туризм ва оммавий саёҳатлар.
- Маъруза тезисларини қуйидаги кўрсатилган манзилга 2016 йил 10 апрелгача такдим қилиниши сўралади.

Анжуманнинг ишчи тиллари: ўзбек, рус ва инглиз.

АНЖУМАН МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ НАШР ҚИЛИНИШИ

Маъруза тезислари 3 бетгача ҳажмда 1 нусха қоғозда ва электрон вариантда топширилиши лозим. Анжуман материаллари муаллифлар ҳисобидан чоп этилади. Муаллиф (муаллифлар) томонидан маъруза тезисларининг ҳар бети учун 10000 сўм тўланади. Бадал ҳақи нақд пул тўлаш йўли билан амалга оширилади. Анжуманда фаол қатнашган иштирокчилар сўнги ялпи мажлисда сертификат билан тақдирланишлари назарда тутилган.

ТЕЗИСЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

1. Маърузалар тезислари А4 формати саҳифасида қуйидаги ҳошия параметрларида жойлаштирилади: чапдан – 3 см, ўнгдан – 1,5 см, юқори ва пастдан – 2 см. Саҳифалар номерланмайди. Маърузалар тезислари Microsoft Word редакторининг 97-2003 дан юқори бўлмаган версиясида терилади. Шрифт Times New Roman Uz ва Times New Roman, катталиги 14, интервал 1,5. Маъруза тезислари электрон ва қоғоз вариантларида бир нусхадан такдим қилинади.

2. Расмийлаштириш қоидалари:

- Биринчи қатор – бош ва қалин ҳарфларда маърузанинг номи, иккинчи ва учинчи қаторлар (агар муаллифлар иккита бўлса) – қия ҳарфларда фамилияси ва исми, шарифларининг бош ҳарфлари, қавсда (иш жойи, лавозими). Кейин матн ёзилади;

- Ҳаммуаллифларнинг учтадан зиёд бўлишига рухсат берилмайди. Битта муаллифдан иккитадан зиёд маъруза тезислари қабул қилинмайди;

- Жадваллар номи унинг юқорисидан қатор ўртасида ёзилади, жадваллар ҳам саҳифа ўртасида жойлаштирилади;

- Расмнинг номи унинг пастидан ёзилади. Расм ва унинг номи ўрталаштирилади. Расмлар нуқтали форматда бажарилади (масалан, Paint редактори). Microsoft Word воситаларида расмларни тайёрлашга рухсат этилмайди;

- Формулалар Microsoft Word формулалари редакторида бажарилади;

- Сканер қилинган маълумотларни қўллашга йўл қўйилмайди.

- Адабиётларнинг тўлиқ рўйхати асосий матндан сўнг алифбо тартибда кўрсатилиши лозим, матнда “сноска” киритилмайди.

- Манба ва адабиётга ишора (ссылка) лар асосий матн ичида [1] кўринишида бўлиши лозим

3. Анжуман материаллари маъруза тезисларининг асл нусхалари асосида нашрга берилади. Такдим этилган маълумотларнинг ҳаққонийлигига муаллифлар жавобгар ҳисобланмайди. Анжуман талабларига жавоб бермаган маъруза тезислари анжуман тўпламига киритилмайди.

4. Алоҳида саҳифада муаллиф (муаллифлар) тўғрисида маълумотлар такдим этилади.

- Фамилияси, исми, шарифи (тўлиқ ёзилади);

- Иш (ўқиш) жойи, лавозими;

- Уланиш телефони, электрон почтаси;

- Шўъба.

Изоҳ: Анжуман ташкилий қўмитаси келиб тушган маъруза тезисларини танлаб олиш ҳуқуқига эга.

Анжуман ўтказиш учун масъул: БухДУ жисмоний маданият факультети

Манзил: Бухоро шаҳри, 200100, М.Иқбол кўчаси, 11-уй
тел: 0 (365) 223-01-70; +998 (93) 476 0698; 998 (91) 4450377

Электрон почта:
jismoniy_madaniyat@umail.uz